

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун
74 - сонли ШАРТНОМА**

Андижон шахар

«20» 06 2022йил.

Бундан бўён Буюртмачи деб аталувчи "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Б.Абдурахимов** ва бундан бўён **Бажарувчи** деб аталувчи "МИМАХ-ROAD" М.Ч.Ж. бошлиғи **С.Закирова** буюртмачининг танлов хужжатларига асосан қуидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-249-сон қарорига мувофиқ Андижон вилояти ҳудудидаги ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ лойиҳа ишларини бажариш.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, **Булокбоши тумани Кумарик МФЙ Камалак** кўчасига цементбетон қоплама ётқизиш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиши топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Танлов комиссиясининг 2022-йил 16 июн кунги № 101285-сонли йиғилиш баённомасига асосан лойиҳа-смета ишларини бажариш билан боғлиқ ишларга шартнома тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг умумий қиймати КҶС билан **12 178 000** (Ўн икки миллион бир юз етмиш саккиз минг) сўмни ташкил қиласди. Шундан ЛСХ харажатлари қийматининг 30% миқдорида (аванс) бўнак тўлови бу КҶС билан **3 815 400** (Уч миллион саккиз юз ўн беш минг тўрт юз) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Колган **8 902 600** (Саккиз миллион тўққиз юз икки минг олти юз) сўм тўлов 2022-йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки башқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўм амалга оширилади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

ишлилар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлилар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Лойиҳа-смета хужжатлари топшириш муддати 5 (беш) иш куни мобайнида.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажарини, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечикирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия хисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган хисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисбот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул килиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул килиш далолатномасини ёки ишларни қабул килмасликнинг асосланган рад жавобини юборишини ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул килмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул килинган ҳисбланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига кайташи шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор килиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб килиш вақти ҳисбланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталрга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат килиши ёки қабул комиссияси ташкил килиши мумкин.

5. Конфиденсиал маълумотларни химоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисбланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси оркали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўмкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумлада юридик ва жисмоний шахсларни мустакил равишда жалб қилиш хукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмага тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Андижон вилояти иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлум кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умуми суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар мудда кечикирилганда Буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномага асосан тўланган бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган

маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишига ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхади тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

Бажарувчи

"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК

Манзил: Андижон шаҳар,

А.Навоий кўчаси №45-үй.

тел/факс:(0-374) 223-08-38

ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000

ШХР: 304521860034017045129118101

Марказий Банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси Уз.Рес.Молия Вазирлиги

X/p: 23402000300100001010

МФО: 00014

"MIMAX-ROAD" МЧЖ

Андижон шаҳри Махжурий кўчаси 27-үй

Телефон: (+99890) 526 1980

X/p: 2020 8000 8009 9958 2001

Асака Банк Андижон вилоят бўлими

МФО: 00069 ИНН: 306 098 110

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110

Б.Абдурахимов

С.Закирова

Хуқуқшунос:

